

Навбатдаги “Ҳокимлик соати” йиғилиши бўлиб ўтди



Бугун Термиз тумани ҳокими Шуҳрат Назаров раҳбарлигига навбатдаги “Ҳокимлик соати” йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринbosарлари, сектор раҳбарлари, тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро қилиниши ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, куз-қиши мавсумига тайёргарлик қўриш ва бошқа масалаларда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, йиғилишда масъулларга йўл қўйилган камчиликлар, айрим топшириқлар ижросидаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга камчиликларни бартараф этиш, тадбирларни жадаллаштириш, топшириқларни муддатида ва сифатли бажариш вазифалари топширилди.